

12-мавзу. Халқаро
туризмдаги
тенденциялар ва унинг
Ўзбекистонда
ривожланиш
истиқболлари

Режа:

- **1. Ўзбекистонда халқаро туризм ривожланишининг хусусиятлари**
- **2. Халқаро туризм ривожланишининг асосий тенденциялари**

1. Ўзбекистонда халқаро туризм ривожланишининг хусусиятлари

- Ўзбекистон азал-азалдан ўзининг табиати, бой тарихи, меъморий обидалари, буюк алломалари билан жаҳоннинг энг ривожланган мамлакатлари аҳолисини ҳам ўзига жалб этиб келмоқда. Шу сабабли мамлакатимизда мустақилликка эришганимиздан сўнг, туризм соҳаси шиддатла ривожланиб бормоқда. Туризм – иқтисодиётнинг юқори даромад келтирадиган ва жадал ривожланаётган муҳим соҳаларидан бири. Туризм ривожланишининг энг асосий омилларидан бири тинчлик, барқарорлик, ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатликдир.

Ўзбекистон 1993 – йилдан буён Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бутунжаҳон Туризм Ташкилоти (UNWTO) аъзоси ҳисобланади.

2011 — йилнинг октябр ойида эса Жанубий Кореяда ўтган UNWTO нинг Бош ассамблеясида Ўзбекистон Республикаси иккинчи марта ушбу ташкилот Ижроия кенгаши аъзоси этиб сайланди.

1994 – йилда Регистон майдонида 19 мамлакат вакиллари йиғилиб Самарқандда туризмни ривожлантириш декларациясини қабул қилишган.

1995 – йилда Ўзбекистон ташаббуси ва UNWTO қўллаб-қувватлаши орқали Тошкентда ҳар йилги “Халқаро сайёҳлик ярмаркаси” таъсис этилган.

- 2004 — йилда Самарқандда трансминтақавий магистрал бўйлаб туризмнинг ривожини мувофиқлаштирувчи идора фаолият бошлаган.
- 2010- йил октябр ойида эса ЮНВТОнинг Буюк Ипак йўлида туризмни ривожлантириш масалалари тўғрисида халқаро йиғилиши бўлиб ўтган.

- Ўзбекистон 7000 дан зиёд тарихий ва маданий ёдгорликлари борлиги сабабли дунёдаги 10та етакчи мамлакатлар қаторига киради. Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шаҳрисабз шаҳарлари эса ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мероси рўйхатига киритилган.
- Президентимиз ўз маърузаларида ҳам “Жаҳон тарихидаги энг муҳим маданий ва ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга бўлган ўта ноёб ҳодиса – Буюк ипак йўли айнан ана шу шаҳарлар ва маданиятлар марказлари орқали ўтган” деб Буюк ипак йўлининг туризмдаги аҳамияти тўғрисида алоҳида фикр билдирган.

- Ҳар қандай индивидуал давлатда "турист – давлат", "турист – саёҳат агентлиги", "турфирма – давлат" ўртасидаги муносабатлар тегишли қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.
- Бундай қонунлар муносабатларнинг ҳар бир элементини тўлиқ қамраб олиши керак.
- Мутахассислар хулосасига кўра, туризмнинг ривожланиши бундан кейин ҳам давом этади. Ҳар хил ҳисобларга таянган ҳолда 2030 йилда туризм соҳаси йирик экспорт соҳасига айланиши кутилмоқда. Агар туризм ҳозирги ўсиш суръатида давом этса, 2030 йилда халқаро туристлар сони 1,8 млрд кишини ташкил қилади.

Олимларнинг ҳисоб-китобларига кўра халқаро туризм ривожланиши асосида қуйидаги омиллар ётади:

- - иқтисодий ўсиш ва ижтимоий жараён;
- - транспорт воситаларининг ривожланиши;
- - ривожланган давлатларда ишчи ва хизматчилар сонининг кўпайиши ва улар моддий ва маданий савиясининг ошиши;
- - меҳнат интенсификацияси ва меҳнаткашлар таътилининг узайиши;
- - давлатлараро муносабатлар ва маданий алоқалар ривожланиши шахслараро алоқаларнинг минтақа ва минтақалараро миқёсида кенгайиши;
- - хизматлар соҳасининг ривожланиши;
- - технология ривожланиши (алоқа ва ҳ.к.);
- - чегара тўсиқлари, валюта алмашуви ва четга чиқариш тўсиқларининг камайиши, коғозбозликнинг қисқариши.

Дунё бўйича туризмнинг аҳамияти доимий равишда ўсиб келмоқда. Бу туризмнинг иқтисодиётга бўлган бевосита таъсири натижасидир. Туризм инфратузилмаси айрим давлатлар иқтисодиётида муҳим вазифаларни бажариб келмоқда:

1. Валюта манбаи, бандликни таъминлаш воситаси ва тўлов баланси муаммосини ечишда хизмат қилмоқда.
2. Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) кўрсаткичи кўтарилмоқда.
3. Иқтисодиёт диверсификацияси ҳамда туризмга хизмат кўрсатувчи янги соҳалар пайдо бўлишига таъсир кўрсатмоқда.
4. Туризм соҳасида бандлик ўсиши билан, аҳоли даромадлари ва миллатнинг бойлиги ортмоқда.

ДИГРАММА 5. Регионы, из которых направлены основные потоки международных туристов в Узбекистан (%)





ДИАГРАММА 6. Возрастная категория посетителей Республики Узбекистан в 2018 году (тыс. человек)



Республиканинг барча ҳудудларида туризм инфратузилмасини ривожлантириш

- Давлат-хусусий шериклик шартлари асосида республиканинг ҳар бир ҳудудидаги сайёҳлар кўп ташриф буюрадиган жойлар ва сайёҳлик маршрутларида камида 50 тадан санитария-гигиена шохобчаларини ташкил этиш.
- Сайёҳлар орасида машҳур бўлган объектлар, сайёҳлик маршрутларида ва ҳар бир ҳудуднинг марказий қисмларида туристик инфокиоскларни ташкил этиш.
- Имконияти чекланган шахсларнинг туризм инфратузилмаси ва маданий мерос объектларида эркин ҳаракатланиши учун зарур шароитни («тўсиқсиз муҳит» ҳосил қилиш) яратиш чораларини кўриш.

- Шу хорижий ташкилотларнинг молиявий маблағлари ва техник кўмагини жалб қилган ҳолда, қуйидагиларни назарда тутувчи Туризм инфратузилмасини ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш:
- туристик намойиш объектларини боғловчи автомобиль йўлларининг ҳолатини яхшилаш, шунингдек, йўл ва йўл бўйи инфратузилмаси объектларини яратиш, шу жумладан ҳар 50 км масофага ҳисоблаганда санитария-гигиена шохобчалари, кемпинглар, мотеллар ва бошқаларни ташкил қилиш;
- транспорт логистикасини такомиллаштириш, шу жумладан диққатга сазовор жойлар ва маданий объектлар бўйлаб қулай транспорт маршрутлари тармоғини яратиш;

- **маданий мерос объектлари** ҳолатини яхшилаш, ушбу объектлар атрофида сайёҳлар учун зарур инфратузилмани шакллантириш;
- **маркетинг ва брендни илгари** суришнинг самарали механизмини ишлаб чиқиш.
- **Замонавий туризм комплексини яратиш**, республикага ташриф буюрувчилар ва аҳолининг туризм хизматларига бўлган эҳтиёжларини қондириш учун ҳар бир ҳудудда Туризм инфратузилма объектларини жойлаштиришнинг бош чизмасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.
- **Мамлакатнинг халқаро аэропортлари ва темир йўл** вокзалларида ибодат қилиш ва таҳорат олиш учун махсус жойлар ташкил қилиш.

- Замонавий кўп қаватли автотураргоҳлар қуриш, шунингдек, Тошкент шаҳридаги халқаро аэропорт ёнида транспорт логистикасини такомиллаштириш.
- Қуйидаги йўналишларда тасдиқланган график бўйича мунтазам равишдаги шаҳарлараро автобус қатновини, шу жумладан тадбиркорлик субъектларини жалб қилган ҳолда йўлга қўйиш:
 - «Тошкент — Самарқанд — Бухоро — Хива — Нукус»;
 - «Тошкент — Гулистон — Жиззах — Самарқанд — Қарши — Термиз»;
 - «Қўқон — Фарғона — Андижон — Наманган».

- Транспортнинг турли йўналиш ва турларини қулай тарзда ўзаро боғловчи авиа, темир йўл ва автобус қатновлари сонини оширишни назарда тутувчи **Марказий Осиё давлатлари билан ўзаро транспорт коммуникациясини ривожлантириш** Концепциясини ишлаб чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиш.
- Мамлакатда спорт туризмнинг бугунги кундаги ҳолатини таҳлил қилиш, Спорт туризмни янада ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиш.

2. Халқаро туризм ривожланишининг асосий тенденциялари

- Сўнгги йилларда, сайёҳлик саноати жаҳоннинг барча мамлакатларида тез ривожлана бошлади.
- Турли хорижий давлатлар тажрибаси билан танишар эканмиз, биз туризм бизнесининг ривожланиш муваффақияти кўп ҳолатларда туризм саноати миллий даражада қандай ташкил қилинганлигига боғлиқ эканлигини кўришимиз мумкин ва қандай тартибда давлат муассасалари бу соҳани қўллаб-қувватлашини кузатишимиз мумкин.

- Тажриба шуни кўсатадики, хусусий сектор ҳеч қачон курорт туризм корхоналарининг ривожланиши учун катта инвестициялар кирита олмайди, шунингдек, у Миллий Туристик Бошқарманинг сайёҳлик инфратузилмасини асосий элементларини ривожлантириш каби вазифаларини бажаришга қодир эмас.
- Сайёҳлик бизнеси ривожланган мамлакатларда шундай ташкилотлар борки, улар миллий сайёҳликни ривожлантириш миллий дастурларини ишлаб чиқиш билан шуғулланади ва улар Вазирликларга бириктирилган бўлади.

- Бундай ташкилотлар ҳар ҳил ном билан юритилади, масалан **Буюк Британияда ВТА (British Tourist Authority), Италияда – ENIT, Ирландияда – Irish Board, Испанияда – Turespana, Норвегияда – NOTRA.** Ушбу ташкилотлар бошқа мамлакатларда ҳам туризм бўйича ўз ваколатхонасига эга. Ушбу ташкилотлар туристик оқимларини жалб этиш ва сайёҳлик маълумотлари билан таъминлаш бўйича дастурларни иш
- Сайёҳлик бизнеси хусусиятлари ўзига хос ўзаро муносабатлар билан боғлиқ. Бу муносабатлар саёҳат ва дам олишни ташкил этиш жараёнида муҳим рол ўйнайди. Мавжуд муносабатлар хилма-хил бўлиб ҳуқуқий тартибга солишни маълум маънода мураккаблаштиради.

- Ҳар қандай индивидуал давлатда "турист – давлат", "турист – саёҳат агентлиги", "турфирма – давлат" ўртасидаги муносабатлар тегишли қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади. Бундай қонунлар муносабатларнинг ҳар бир элементини тўлиқ қамраб олиши керак.
- Бугунги кунда туризмни давлат томонидан тартибга солишнинг бир неча ёндашувлари ишлаб чиқилган. Бозор иқтисодиёти ривожланган кўплаб мамлакатларда давлат томонидан тартибга солиш мавжуд эмас ва бозор субъектлари томонидан тезкор назорат амалга оширилади.

Rank	Destination	International tourist arrivals (2017) ^{III}	International tourist arrivals (2016) ^{III}	Change (2016 to 2017) (%)	Change (2015 to 2016) (%)
1	France	86.9 million	82.7 million	5.1	2.1
2	Spain	81.8 million	75.3 million	8.6	10.5
3	United States	76.9 million	76.4 million	0.7	1.8
4	China	60.7 million	59.3 million	2.5	4.2
5	Italy	58.3 million	52.4 million	11.2	3.2
6	Mexico	39.3 million	35.1 million	12.0	9.3
7	United Kingdom	37.7 million	35.8 million	5.1	4.0
8	Turkey	37.6 million	30.3 million	24.1	23.3
9	Germany	37.5 million	35.6 million	5.2	1.8
10	Thailand	35.4 million	32.6 million	8.6	8.9

Rank	Европа Destination	International tourist arrivals (2017) ¹¹	International tourist arrivals (2016) ¹¹	Change (2016 to 2017)(%)	Change (2015 to 2016) (%)
1	<u>France</u>	86.9 million	82.7 million	5.1	2.1
2	<u>Spain</u>	81.8 million	75.3 million	8.6	10.5
3	<u>Italy</u>	58.3 million	52.4 million	11.2	3.2
4	<u>United Kingdom</u>	37.7 million	35.8 million	5.1	4.0
5	<u>Turkey</u>	37.6 million	30.3 million	24.1	23.3
6	<u>Germany</u>	37.5 million	35.6 million	5.2	1.8
7	<u>Austria</u>	29.5 million	28.1 million	4.8	5.2
8	<u>Greece</u>	27.2 million	24.8 million	9.7	5.1
9	<u>Russia</u>	24.4 million	24.6 million	0.7	8.5
10	<u>Portugal</u>	21.2 million	18.2 million	16.5	—

Rank	Яқин шарқ Destination	International tourist arrivals (2016) ^[1]	International tourist arrivals (2015) ^[2]	Change (2015 to 2016) (%)	Change (2014 to 2015) (%)
1	Turkey	30.3 million	39.5 million	23.3	5.3
2	Saudi Arabia	18.0 million	18.0 million	0.3	1.5
3	United Arab Emirates	14.9 million	14.2 million	4.7	7.6
4	Egypt	5.3 million	9.1 million	42.5	5.1
5	Iran	4.9 million	5.2 million	5.6	5.4
6	Jordan	3.6 million	3.8 million	5.2	5.7
7	Qatar	2.9 million	2.9 million	0.1	3.7
8	Israel	2.9 million	2.8 million	3.6	4.4
9	Oman	2.3 million	1.9 million	20.1	17.8
10	Lebanon	1.7 million	1.5 million	11.2	12.1

Note: [Iran](#) is classified as part of "South Asia" in the UNWTO.^[3]


[Turkey](#) and [Israel](#) are classified as part of "Southern/Medit.Europe" in the

Rank	Destination	International tourist arrivals (2017) ¹	International tourist arrivals (2016) ¹	Change (2016 to 2017) (%)	Change (2015 to 2016) (%)
1	China	60.7 million	59.3 million	2.5	4.2
2	Thailand	35.4 million	32.6 million	8.6	8.9
3	Japan	28.7 million	24.0 million	19.4	21.8
4	Hong Kong	27.9 million	26.6 million	5.0	0.5
5	Malaysia	26.0 million	26.8 million	3.0	4.0
6	Macau	17.3 million	15.7 million	9.9	9.8
7	India	15.5 million	14.6 million	6.7	9.7
8	Singapore	13.9 million	12.9 million	7.7	7.2
9	South Korea	13.3 million	17.2 million	22.7	30.3
10	Indonesia	12.9 million	11.0 million	16.9	11.1

Rank	Region	International tourism receipts (US\$ billion) (2017) ¹¹	International tourism receipts (US\$ billion) (2016) ¹¹	Change (2016 to 2017) (%)
1	<u>United States</u>	210.7	206.9	1.9%
2	<u>Spain</u>	68.0	60.5	10.1%
3	<u>France</u>	60.7	54.5	9.0%
4	<u>Thailand</u>	57.5	48.8	13.1%
5	<u>United Kingdom</u>	51.2	47.9	12.1%
6	<u>Italy</u>	44.2	40.2	7.7%
7	<u>Australia</u>	41.7	37.0	9.3%
8	<u>Germany</u>	39.8	37.5	4.2%
9	<u>Macau</u>	35.6	30.4	17.6%
10	<u>Japan</u>	34.1	30.7	14.4%

2017 йилда Жанубий Осиё минтақаси мамлакатларига 27 млн.дан ортиқ хорижий туристлар ташриф буюрган, 2005 йилга нисбатан ўсиш суръатлари 3,5 баробарни ташкил этган. Жаҳон бўйича туризм ташрифларининг 0,88%и Жанубий Осиё минтақаси мамлакатларига тўғри келган. Халқаро туризм тушумлари 24 млрд. АҚШ долларни ташкил қилган . Ҳар бир туристик ташриф 2017 йилда 882 АҚШ долларга тўғри келган

- Жанубий Осиё энг динга кўп сиғинадиган минтақадир.
- Табиати чиройли
- Дунёни энг сифатли чой билан таъминлайди
- Тарихий, диний ва маданий обидалар
- Даволаниш
- Ибодатхоналар



Туризм бу минтақада жуда секинлик билан ривожланмоқда. 1970 йилдан 1996 йилгача яъни 26 йил давомида халқаро туризм 20% га ўсганлиги кузатилган. 1970 йилда бу минтақага 0,9 млн. хорижий туристлар ташриф буюрган бўлса 1996 йилда 4,5 млн. ва 2017 йил 27 млн. туристлар ташриф буюрган.

Халқаро туризм тушумлари 100 млн АҚШ доллари даражасига кўтарилган. 1970-80 йилларда хорижий туристлар ташрифи ҳамда тушумлар миқдори бўйича ҳам ўсиш кузатилган. 1970 йилда жаҳон туризм тушумларининг 0,56%ини ташкил қилган бўлса, 1980 йилда 1,5% ни ташкил этган. 1985-1993 йилларда туристик ташрифлар сони ўсган бўлса ҳам тушумлар миқдори бўйича пасайиш кузатилган. Жаҳон туризм тушумларининг 0,62% ни ташкил қилган. 1994 йилдан бошлаб секинлик билан бўлса ҳам ўсиш кузатилган. 1996 йил Жанубий Осиё мамлакатларига 4,485 млн. хорижий туристлар ташриф буюрган. Туризм тушумлари 3,963 млрд. АҚШ долларини ташкил этган. Жаҳон туризм ташрифларининг 0,76%и, жаҳон туризм тушумларининг 0,94%и тўғри келган.

Расмий номи	Пойтахти	Тили	Валюта	Майдони	Аҳоли зичлиги	Аҳолиси
Афганистан (Исламская Республика Афганистан)	Кабул	Пушту и Дари	Афгани (AFN)	652 864 км ²	48,36 чел./км ²	32 564 342
Бангладеш (Народная Республика Бангладеш)	Дакка	Бенгальский	Така (BDT)	144 000 км ²	1154,7 чел./км ²	168 957 745
Бутан (Королевство Бутан)	Тхимпху	<u>Дзонг-кэ</u> и английский	Нгултрум (BTN) и индийская рупия (INR)	47 000 км ²	18 чел./км ²	750 125
Индия (Республика Индия)	Нью-Дели	Хинди и английский	Индийская рупия (INR)	3 287 590 км ²	364 чел./км ²	1 316 830 000

Мальдив (Мальдивская Республика)	Мале	Дивехи	Руфия (MVR)	298 км ²	1 135,68 чел./км ²	402 071
Непал (Федеративная Демократическая Республика Непал)	Катманду	Непальск ий	Непальская рупия (NPR)	140 800 км ²	216 чел./км ²	30 430 267
Пакистан (Исламская Республика Пакистан)	Исламабад	Урду и Английск ий	Пакистанск ая рупия (PKR)	803 940 км ²	258,45 чел./км ²	207 774 520
Шри-Ланка (Демократическая Социалистическая Республика Шри-Ланка)	Шри- Джаявардене пура-Котте (де-юре) Коломбо (де- факто)	Сингальс кий и тамильск ий	Шри- Ланкийская рупия (LKR)	65 610 км ²	308 чел./км ²	21 675 648

	2005	2010	2015	2016	2017*
<i>Южная Азия</i>	8.262	14.741	23.446	25.093	27.694
Бангладеш	208	303
Бутан	14	41	155	210	..
Индия	3.919	5.776	13.284	14.569	..
Иран	1.889	2.938	5.237	4.942	..
Мальдивы	395	792	1.234	1.286	..
Непал	375	603	539	753	940
Пакистан	798	907
Шри-Ланка	549	654	1.798	2.051	2.116

Давлат муассасалари туризм соҳасида қандай фаолият юритишини бир қатор мамлакатлар мисолида кўриб чиқиш мумкин.

- **Австрияда** сайёҳлик саноати иқтисодиёт вазирлиги томонидан назоратга олинган. Давлатнинг туристик имкониятларини реклама қилиш 26 мамлакатда ўз бўлимларига эга бўлган Австрия Миллий Туризм Оффиси амалга оширади.
- **Буюк Британияда** туризм соҳасини маданият, ўйин-кулги ва спорт ишлари Вазирлиги назорат қилади ва Вазирликка бўйсунадиган British Tourist Authority (BTA) ташкилоти туризм учун бевосита масъул ҳисобланади. Ушбу ташкилот Буюк Британияга туристлар оқимини жалб қилади, шунингдек, ички туризмни ривожлантириш билан шуғулланади. Бундан ташқари, ташкилот ҳукумат ва туризм соҳасида иштирок этган бошқа давлат органлари билан маслаҳат ишларини олиб боради.

- **3. Германияда** туристик бизнесни ташкил этиш билан Иқтисодиёт вазирлигининг Миллий туристик қўмитаси шуғулланади ва Германияда туристик маҳсулотни тарғибот қилиш ҳамда мамлакатга туристик оқимни кўпайтириш вазифасини бажаради. Ушбу қўмитанинг ваколатхоналари дунёнинг 27 та мамлакатида фаолият юритади.
- **4. Израилда** туризм вазирлиги фаолият юритади. 2013 йилда ушбу ташкилот бюджети 170 млн. долларни ташкил этган. Бюджет маблағлари асосан жаҳон мамлакатлари бўйлаб кўргазма, ахборот, презентациялар қилиш фаолияти билан боғлиқ турли тадбирларни молиялаштириш учун фойдаланилади. Шунингдек, ушбу маблағнинг бир қисми турли конференцияларни ўтказиш, консалтинг хизматларини ташкил қилиш, реклама материаллари ва буклетларни нашр этиш учун йўналтирилади.

- **5. Индонезияда** туризм соҳасини ташкил этиш ва ривожлантириш бўйича туристлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш соҳасида катта ваколатларга эга бўлган махсус агентлик фаолият юритади. Шунингдек, мамлакатда туризм полицияси фаолият юритади ва улар туризм соҳасидаги барча корхоналарни назорат қилиб текшириб боради. Бундан ташқари туризм бўйича полиция хорижий туристлар билан боғлиқ бўлган ҳар қандай муаммоли можаролар ва вазиятларни ҳал этишда бевосита иштирок этади.
- **6. Италияда** 1983 йил меҳмонхона индустрияси ва туризм соҳасини ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича қонун қабул қилинган. Бу қонун минтақавий даражада туризм бизнесини бошқарувчи асосий органлари ва уларни фаолият тартибини белгилаб беради. Бунда туристик корхона ва унинг регистрациядан ўтиш шартлари аниқ белгилаб қўйилган. Шунингдек, қонунда меҳмонхона хўжалиги классификацияси аниқланган ҳамда бир қатор талаблар қўйилган бўлиб, унга кўра туристик бюро, транспорт ва жамоат ассоциацияларига туристик бизнесда фаолият юритишига рухсат берилади. Бундан ташқари, қонун туризм соҳасидаги мутахассислар фаолиятини тартибга солади, давлат томонидан туризм бизнесини қўллаб-қувватлаш чора тадбирларини белгилайди.

- **7. Испнаияда** умуммиллий даражадаги барча туристик фаолиятлар 14 январ 1965 йилдаги “Туризм соҳасидаги ваколатлари тўғрисида”ги қонун ва “Хусусий туристик компаниялар фаолияти тўғрисида”ги қарори билан белгиланади. Умуммиллий қонундан ташқари, мамлакатдаги 17 та автоном минтақанинг ҳар бири туристик фаолият бўйича ўзининг қонунчилигига эга ва асосий қоидалар юқори ташкилот қонунчилигига мувофиқ амал қилади. Туризм бўйича қонунниг бандлари сотувчи ва турист ўртасидаги муносабатларни бошқаради, шунингдек, бир қатор шартлар борки, булар юридик ва жисмоний шахсларга туристик тадбиркорлик билан шуғулланишга, туристларга ўз хизматларини тақдим этишга руҳсат беради, шунингдек, қонунни бузганларга санкциялар қўллаш тартиби ва давлат томонидан назорат қилиш чоралари инобтга олинган.